

Тахририят кенгаши:

Х.Б.Юнусов – СамДВМЧБУ ректори,
профессор (раис)
Ж.А.Азимов – ЎзР ФА академиги (аъзо)
Б.Т.Норқобилов – Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш қўмитаси
раиси (аъзо)
А.И.Ятусевич – РФА академиги (аъзо)
Е.Д.Джавадов – РФА академиги (аъзо)
Ю.А.Юлдашбаев – РФА академиги (аъзо)
Д.А.Девришов – РФА мухбир аъзоси (аъзо)
С.В.Шабунин – РФА академиги (аъзо)
К.В.Племишов – РФА мухбир аъзоси (аъзо)
С.В.Позябин – профессор (аъзо)
Ш.А.Жабборов – профессор (аъзо)

Тахрир хайъати:

Ҳ.Салимов – профессор
Қ.Норбоев – профессор
А.Даминов – профессор
Р.Б.Давлатов – профессор
Б.Бакиров – профессор
Б.М.Эшбуриев – профессор
Н.Б.Дилмуродов – профессор
Ф.Акрамова – б.ф.д., профессор
Б.А.Элмуродов – профессор
А.Г.Ғафуров – профессор
Н.Э.Юлдашев – профессор
Х.Б.Нижозов – профессор
Б.Д.Нарзиёв – профессор
Р.Ф.Рўзиқулов – профессор
А.А.Белко – ВДВМА доценти
Д.И.Федотов – ВДВМА доценти
Х.К.Базаров – доцент
Ш.Х.Қурбонов – доцент
Ж.Б.Юлчиев – доцент
О.Э.Ачилов – в.ф.ф.д. (PhD)

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

Муҳаррир:

Дилшод Юлдашев

Дизайнер:

Хусан САФАРАЛИЕВ

Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:

Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш қўмитаси

Муассислар:

Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш қўмитаси,
“AGROZOOVETSERVIS”
масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2018 йил
2 февралда 0284-рақам билан рўйхатга олинган

Журнал 2007 йил сентябрдан чоп этилмоқда

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри,
Усмон Носир, 22.

Тахририят манзили: 100022, Тошкент шаҳри,
Қушбеги кўчаси, 22-уй

Тел.: **99 307-01-68,**

Фақат телеграмм учун **97 770-22-35.**

E-mail: zooveterinariya@mail.ru
www.Vetmed.uz

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO‘JALIGI VAZIRLIGI
VETERINARIYA VA CHORVACHILIKNI
RIVOJLANTIRISH QO‘MITASI**

**SAMARQAND DAVLAT VETERINARIYA
MEDITSINASI, CHORVACHILIK
VA BIOTEKNOLOGIYALAR
UNIVERSITETI**

**VITEBSK DAVLAT VETERINARIYA
MEDITSINASI AKADEMIYASI**



**PARAZITOLOGIYA VA VETERINARIYA
ISHINI TASHKIL ETISH KAFEDRASI**

Editorial council

Kh.B.Yunusov – rector of Samarkand state university of veterinary medicine, animal husbandry and biotechnology professor (chairman)
J.A.Azimov – UzAS academician (member)
B.T. Norkobilov – Chairman of the Veterinary and Animal Husbandry Development Committee (member)
A.I.Yatusevich – RAS academician (member)
E.D.Djavadov – RAS academician (member)
Y.A.Yuldashbaev – RAS academician (member)
D.A. Devrishov – RAS correspondent member (member)
C.V.Shabunin – RAS academician (member)
K.V.Plemishov – RAS correspondent member (member)
S.V.Pozyabin – professor (member)
Sh.A.Jabborov – professor (member)

Editorial board

C.Salimov – professor
K.Norboev – professor
A.Daminov – professor
R.B. Davlatov – professor
B.Bakirov – professor
B.M. Eshburiev – professor
N.B.Dilmurodov – professor
F.Akramova – doctor of biology – professor
B.A.Elmurodov – professor
A.G.Gafurov – professor
N.E.Yuldashev – professor
Kh.B.Niyazov – professor
B.D.Narziev – professor
R.F.Ruzikulov – professor
A.A.Belko – associate professor of VSAVM
D.I.Fedotov – associate professor of VSAVM
Kh.K.Bazarov – associate professor
Sh.Kh.Kurbanov – associate professor
J.B.Yulchiev – associate professor
O.E.Achilov – doctor of veterinary (PhD)

Acting Chief Editor:

Abdunabi ALIKULOVA

Editors:

Dilshod YOLDOSHEV

Designer:

Husan SAFARALIYEV

Published since September 2007

Initiator and leader of the project:

State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan

Founders:

State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan, “AGROZOOVETSERVIS” Co., Ltd.

Registered in Uzbekistan Press and News agency by 0284

Address: 22, Usmon Nosir, Tashkent, 100070.

Editorial address: 4, Kushbegi, 22. Tashkent, 100022

Tel.: 99 307-01-68,

☎ 97 770-22-35

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

www.Vetmed.uz

circulation: Index: 1162

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FANLAR AKADEMIYASI AKADEMIGI,
VETERINARIYA FANLARI DOKTORI,
PROFESSOR I.X.IRGASHEV
TAVALLUDINING 90 YILLIGIGA
BAG‘ISHLANGAN
“VETERINARIYA
PARAZITOLOGIYASINING DOLZARB
MUAMMOLARI VA ISTIQBOLDAGI
VAZIFALARI”**

mavzusida

**XALQARO ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYASI**

1-2 NOYABR



SAMARQAND – 2023

A.S.Daminov, A.B.Chorshambiyev, A.X.Qurbonov, S.A.Boypo‘latova Monieziozni davolashda zamonaviy antigelmentik dori vositalarini qo‘llash.....	89
A.G‘.Jabborov, B.D.Narziyev – Mahalliy og‘riqsizlantirish va uni qo‘llash usullari	92
Sh.X.Qurbanov – O‘zbekiston sharoitida qo‘ylarning ichak sestodozlari va ularning qo‘zg‘atuvchilari	95
Sh.X.Qurbanov – Qo‘ylar monieziozining diagnostikasi va oldini olish choralari.....	98
J.N.Ochilov, E.I.Bobonazarov – Sigirlarda homila yo‘ldoshining ushlanib qolishini oldini olish.....	101
D.M.Allambergenov, Z.M.Xojamberganova – Qoraqolpog‘iston Respublikasi Garbiy hududlarida qo‘ylarda nematod kasalligini aniqlash va kasallikka qarshi kurash tadbirlari.....	103
S.F.Xolikov, M.I.Xushnazarova – Parranda go‘shini veterinariya-sanitariya ekspertizasi.	105
A.C.Даминов, Ф.С.Пулотов – Қорамол бовиколёзининг тарқалиши.....	108
O‘.I.Rasulov, E.I.Bobonazarov, D.A.Boybutayeva – Maxsuldor va zotdor qoramollarni pirop plazmidozlardan saqlab qolish chora-tadbirlari.....	111
T.K.Фазнақулов – Ценуроз касаллигининг тарқалишида итларнинг ролини камайтириш.	113
Ш.О.Эшматов – Қашқадарё вилоятида эчкилар мониезиозини тарқалиши	115
М.Г.Каримов – Спортга қатнашувчи отларда жароҳатлар.	117
М.Г.Каримов – Спортга қатнашувчи отларда пай касалликлари.....	120
B.S.Rashidov, D.M.Allambergenov, Z.M.Xojamberganova – Qishloq xojalik hayvonlarida nemotoda kasalligining tarqalishi.	123
O.X.Rayimov, T.I.Tayloqov – Qoramol fassiolyozining tarqalishi va patologoanatomik tashhisi.	126
S.S.Meyliyev, N.E.Yuldashov – Samarqand viloyatining ayrim tumanlarida qoramollar gelmintozlarining tarqalishi va dinamikasi.....	129
И.А.Улашов, А.И.Ахмадов – Фенасал ва албендазолнинг маҳаллий хомашё ва технологиялар асосида ишлаб чиқилган суспензион шакллари ни дастлабки синаш натижалари.....	131
G.Kurbaniyazova, D.M.Allambergenov, Z.M.Xojamberganova – Oziq-ovqat sanoati korxonalarida veterinariya sanitariya laboratoriyalarining vazifalari.	134
U.T.Qarshiyev, S.B.Eshburiyev – Quyonlarda kalsiy-fosfor almashinuvi buzulishlarini oldini olishda innoprovetni qo‘llash.	136
A.Z.Saidov, D.Sh.Toshpo‘latov – Organoleptik va laboratoriya usullar yordamida broyler jo‘jalari go‘shining sifat darajasini aniqlash.....	138
S.F.Fayziyeva, Q.N.Norboyev – Buzoqlar dispepsiyasida ichak mikrofloralarining o‘zgarishlari.	141
P.A.Расулов, Т.И.Тайлоқов – Диктиокаулёзни даволаш, олдини олиш ва унга қарши курашиш чора-тадбирлари.....	143
Ш.А.Бабаева – Туяқушларнинг клинико-физиологик ҳолатига “panaroot-98” препаратининг таъсири.....	145

СПОРТГА ҚАТНАШУВЧИ ОТЛАРДА ПАЙ КАСАЛЛИКЛАРИ

Аннотация. *От спортда кўп фоизни ташкил қилувчи локомотор аппарат пай касалликларидан - тендинит, тендовагинит, пайларнинг чўзилиши, ёрилиши учраб уларнинг ишчанлик қобилиятини кескин пасайишига сабаб бўлиб, турли босқичли оқсашлар билан характерланади. Бу ҳолатнинг келиб чиқишига тренинг қоидаларининг бузилиши, механик шикастланишлар, организмнинг физиологик ҳолатини ҳисобга олмаслик, зўриқтириш каби омиллар сабаб бўлиб, йилқичиликка ихтисослашган фермер ва шахсий хўжаликларга, от спорти клублари ва мактабларига катта иқтисодий зарар етказилади.*

Калит сўзлар. *От, спорт, тренинг, шикаст, зўриқтириш, пай, пай қини, асептик яллиғланиш, тендинит, тендовагинит, учраш даражаси, текишириш.*

Кириш. Президентимизнинг 2022 йил 8 февралдаги ПК-120 сонли “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастур” тасдиқланиб, бунда йилқичиликни ривожлантириш ва от спортини жахон андозасига олиб чиқиш тадбирлари белгилаб берилди.

Бугунги кунда юртимизда йилқичилик соҳасига қаратилаётган этибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Хусусан юртбошимизнинг 2021-йил 11-мартда ПҚ-5024 сонли қабул қилинган қароридан йилқичиликни ривожлантириш, от спортининг классик, замонавий бешкураш ва поло спорт турларини оммалаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлар белгилаб берилган ва амалга ошириб борилмоқда.

Мавзунинг долзарблиги. Спортга қатнашувчи отлар локомотор аппарат органлари таянч ва ҳаракат фаолиятига эга бўлиб, унда учрайдиган касалликлар, уларнинг кечиши, асоратлари, тезкор ташхис қўйиш, ушбу пай касалликларини келтириб чиқарувчи омиллар, олин олиш ва даволаш муаммоларини ечишда бир қанча хорижий ва ўзбек олимлари ўз хиссаларини қўшган ва изланишлар натижаларини амалиётга тадбиқ этишган [1.2.3.4.5].

Дунёнинг аксарият мамлакатларида йилқилар орасида учрайдиган юқумсиз касалликларнинг юқори фоизи локомотор аппарат органларининг механик шикастланишларига тўғри келиб, асосий омилларга тренинг ва от спорти ўйинлари вақтида тасодифий механик шикастланишлар, сакраш жараёнида товон, билакузук, кафт ва бармоқ соҳаларининг тўсиқларга урилиши, йиқилиши, жароҳатлар, отларни қисқа масофада буриш каби омиллар сабаб бўлиб, соҳа юмшоқ ва қаттиқ тўқималар бутунлиги, гистологик таркиби, физиологик хусусиятлари бузилиши оқибатида оғир асоратли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади [6.7.].

Республикамиз хўжаликларида, айниқса йилқичиликка ихтисослаштирилган фермер ва шахсий хўжаликлар, от спорти мактаблари ва клубларида спортга қатнашувчи отларнинг олдинги ва кейинги оёқ кафт – бармоқ соҳасига таъсир қилувчи букувчи пайларнинг яллиғланиши кенг тарқалган бўлиб, хўжаликларга катта иқтисодий зарар етказмоқда.

Ушбу касалликларига эртачи ташхис қўйиш, олдини олиш, даволашнинг устивор усулларини ишлаб чиқиш, қўлланиладиган анавий усулларини такомиллаштириш долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот материаллари ва услублари. Илмий тадқиқот ишлари Вилоятимиздаги йилқичиликка ихтисослаштирилган фермер ва шахсий хўжаликларда, аҳолига қарашли отларда, Самарқанд вилоят “Чавандозлар мактаби”да, Жомбой туман от спорти клуби ҳамда МЧЖ “INNOVET” хусусий ветеринария клиникасида олиб борилди.

Вилоятимиз хўжаликларига қарашли жами 124 бош турли зот ва ёшдаги той ва отлар клиник текширувдан ўтказилганда шундан 36 бошида олдинги ва орқа оёқларга таъсир қилувчи мушак, пай ва пай қини касалликлари аниқланди ва бу эса 29% ни ташкил қилди.

Ушбу касалликларини аниқлашда Анамнез маълумотлар қайд қилиниб, умумий (визуал, кузатиш, палпация, аускултатция) ва махсус (рентгенография, актив ва пасив ҳаракат, шпат ва бошқа) усуллардан фойдаланилди.

Олинган натижалар таҳлили. Минтақамизда миллий от спорти ўйинларида иштирок этадиган маҳаллий қорабайир зотли отларда бўғим ва пай касалликлари 16-22 % гача учраши қайд қилинган. Машқда маъром, эҳтиёткорлик ва индивидуал ёндашиш принципларига аҳамият бермаслик той ва

отларнинг холсизланиш ва шикастланишига олиб келади[6.8].

Той ва отларни меъеридан ортиқ ишлатиш, зўриктириш улардаги ҳаракат координатцияси ва ишлаб чиқиладиган рефлекслар бузилишига сабаб бўлади.

Илмий изланишлар давомида от ва тойларнинг тўсиқдан сакраш жараёнида кафт-бармоқ соҳаси, йиқилганида – жароҳатлар олиши, маҳаллий аҳолига қарашли спортга қатнашувчи отлар – қаровсизлиги, машқ майдонининг талабга жавоб бермаслиги, отларга қўланиладиган ҳимояловчи спорт инвентарининг носозлиги, тақа қоқишда йўл қўйилган камчиликлар, нотўғри озикалантириш каби бир қанча омиллар мушак, пай ва пай боғламларининг касалликларига сабаб бўлиши аниқланди.

Отларни тренинг ва мусобоқалардан олдин нотўғри эгарлаш ва айилни яхши тортмаслик яғрин, курак-елка соҳаси тери ва тери ости юмшоқ тўқималарини шикастлаб локомотор аппарат органлар фаолиятини издан чиқариб юборади.

Пайлар - локомотор аппарат органи бўлган мушакларнинг давоми бўлиб, у орқали суякларга бирикади. Пайлар таркибининг асосини коллаген толалар ташкил қилиб бириктирувчи тўқима билан қопланиб ундан қон томир ва нерв толалари ўтади.

Пайлардаги коллоген толалари суяк тўқималарининг тешиқчаларидан ичкарига кириб, мушакларнинг суякларга мустаҳкам бирлашишини таъминлайди. Пай қини пайларнинг ишқаланишини камайтириш ва уларнинг шикастланишини олдини олишда хизмат қилиб унинг бушлиғида махсус суюқлик – синовий тўпланади.

Спортга қатнашувчи от ва тойларда пай касалликлари кўпроқ олдинги оёқнинг билакузук, кафт ва бармоқ, орқа оёқнинг товон, кафт ва бармоқ соҳаларига таъсир қилувчи букувчи ва ёзувчи пайларидан учрайди. Бундай пайларга: суяклар аро пай (*гриффил суяклар орасида*), бармоқни букувчи чуқур пай (*суяклар аро пайнинг орқа томонида*) жойлашиб туёқ суягига бирлашади. Бармоқни букувчи юза пай (*бармоқни букувчи чуқур пай орқасида*) бўлиб, иккита синовиал қиндан иборат. Олдинги оёқларда бармоқни ёзувчи умумий, орқа оёқда бармоқни ёзувчи узун мушак (блакузук ва товон суякларининг олд томонида) жойлашиб, синовиал қинлари мавжуд[9.10].

Пай касалликларига ташхис қўйиш – сабабчи омилнинг таъсир кучи, шикастланган пай

соҳасининг маҳаллий ҳарорати, шиш, оғрик, оқсаш турлари яъни яллиғланиш характери ҳисобга олинади.

Тендинит (*пай қининг яллиғланиши*) билан касалланган той ва отларда шикастланган соҳа тери қатламининг қисилиши ёки эзилиши оқибатида келиб чиқиб, аввалига маҳаллий ҳарорати юқори, оғриқли шишнинг пайдо бўлиши билан характерланди ва 7-9 кунларга келиб тери қатлами хужайраларининг никрозга учраши сабабли пай тўқималарининг қалинлашувига олиб келди.

Пайларнинг шикастланишлари натижасида олдин унинг марказида кучли яллиғланиш жараёни кузатилиб секин аста юқори ва пастки қисмларга тарқалиб маҳаллий ҳарорати кўтарилди ҳамда оғриқли шиш ҳосил қилади. Бунинг келиб чиқишига, бирламчи шикастланган пай соҳаси тўқималарининг қаршилик қилиш хусусияти пайсайиб, шикастланган тўқима қон томирларидан суюқлик тўпланади. Патологик учоқ ультратровушли сканер қилинганда соғлом пай тўқималарига нисбатан қорамтир ранг берувчи тўқима кузатилди. Шикастланишнинг ўткир босқичида 5-6 соатдан сўнг айрим ҳолатларда 12-соатдан кейин оғриқли оқсаш ёки оғриган оёғини босмай кўтариб туради. Шикастланган пайда маҳаллий ҳарорат кўтарилиши ва оғриқли шишнинг пайдо бўлиши кузатилди. Шиш катта бўлмаганда патологик учоқ бармоқ артериясининг кучли пульсацияси кузатилди.

Таянч – ҳаракат аппарати томонидан бир хил такрорланадиган ҳаракатларни турли хил усулларда бажариш мушак, пай ва пай боғламчаларининг микроузилишларига сабаб бўлади.

Жомбой туманида 9 бош отларда пай чўзилиши аниқланиб, чегараланган серозли яллиғланиш ривожланиши, пайда оғриқли иссиқ шиш пайдо бўлиши, от тинч турганда оёқларини тез-тез алмаштириб туриши, юрганда озроқ оқсаш, қаттиқ ерда юргизилса оқсаш кучайиши қайд этилади.

Ургут туманида 6 бош отда олдинги оёқ кафт - бармоқ соҳасида пайнинг қисман узилиши аниқланиб, шикастланган жой асептик яллиғланиш оқибатида шишган, оғриқ ва оқсаш белгилари пайдо бўлиши, маҳаллий ҳарорати юқори эканлиги, 2 бош отда тананинг умумий ҳарорати 38,9 даражага кўтарилганлиги аниқланди.

Пайариқ туманида 1 бош отда орқа ўнг оёқ тушов-юмалоқ бўғим соҳасида букувчи юза пайнинг тулик узилганлиги аниқланиб, шишда қон

ивиши (гематома) пайдо бўлганлиги, палпация қилинганда узилган жойда чуқурча борлиги, босиб кўрилганда ғижирлаган товуш эшитилди. Пай соҳасининг кучли яллиғланиши оқибатида кучли оғриқ, маҳаллий ва умумий ҳароратининг кўтарилиши, ўнг оёғига таяна олмаслиги, ҳаракати активлаштирилганда ўнг томон мушаклар гурухининг қалтираши, кўп ётиши, туришга қийналиши кузатилади. Пайнинг шикастланиши қанча чуқур бўлса, юқоридаги белгилар шунча кучли намоён бўлди.

От спортининг олий турларини бажарадиган отларда, курак-елка билакузук, кафт-бармоқ, тушов-юмалоқ-бўғимларида пай боғламларининг чўзилиши, узилиши, елка камари мускулларининг яллиғланиши, туёқ кафтининг лат ейиши, туёқ айланасининг жароҳатлари кўп учрайди.

Конкур мусобақасида қатнашадиган отларда кўпинча бармоқни букувчи юза пайи ва олдинги оёқларнинг ўрта суяқлараро мускуллар, елка – бош, курак суяги ўқининг олд ва орқа юза ҳамда делтасимон мушакларида яллиғланиш жараёнлари кузатилиб кучли оғриқ ва маҳаллий ҳароратининг кўтарилиши билан характерланди

Ургут туманида 3 бош отларнинг йиқилиши ва тоғдан тушиб кетиши, Охайлик от спорти клубига қарашли 2 бош отда дала мусобақаларида ва тўсиқлардан сакрашда, Самарқанд туманида қаровсиз қолдирилган 4 бош отларда стресс омиллар таъсирида олдинги ва орқа оёқлари пастки - дистал қисмларида шикастланишлар, йиқилган отларда яғрин, кўкрак ва қорин девори, тос-сон соҳа жароҳатлари кузатилади

Хулоса қилиб айтганда:

1. Пай касалиги билан касалланган ва даволанган той ва отларни қисқа вақт ичида тренинг қилдириш, иккиламчи қайта касалланишига сабаб бўлади. Бунда яллиғланиш жараёни соғлом пай тўқима толаларига таъсир қилиб унинг бутунлиги бузади ва иш фаолиятини йўқотади.

2. Яллиғланиш шиши кичик бўлса, бармоқ артериясининг уриши аниқ билинади ва бу эса эртаци аниқ ташхис қўйишда яхши натижа беради.

3. Бинтли боғламларни қаттиқ қисиб боғлаш, шикастланган атоф юмшоқ тўқималар баттар шишади ва тендинитнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

4. Пайларнинг ўткир асептик яллиғланишларини ўз вақтида натижали даволамаслик касалликни сурункали шаклга ўтиб, отнинг эрта ҳисобдан чиқарилишига сабаб бўлади.

5. Пай касалликларига аниқ ташхис қўйишда ультратовушли сканердан фойдаланиш бу касалликларни даволашда яхши натижа беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Андреевский, И.С. Книга о болезнях лошадей / И.С. Андреевский. - М.Либроком, 2012. - 532 с.

2. Антонцев, Б. Коннозаводство России в начале 21 века / Б. Антонцев // Коневодство и конный спорт. - 2001. - № 1. - С. 2-4.

3. Борхунова, Е.Н. Морфофункциональные особенности сухожилий и костносухожильных соединений пальца грудной конечности у рысистых лошадей: автореф. дис. канд. биол. наук / Е.Н. Борхунова. - М.: МГАВМиБ, 2000.- 15 с.

4. Васильев, В.К. Лечение хирургических заболеваний спортивных лошадей на госконюшне «Бурятская» / В.К. Васильев, В.А. Леонтьева // Вестник Бурятской государственной сельскохозяйственной академии им. В.Р.Филиппова. - 2009. - № 3. - С. 7-13.

5. Вогел К. Ваша лошадь. Полное практическое руководство по уходу за лошадьми / К. Вогел. - М.: БММ, 2003. - 192 с. 6. Жукова, М.В. Ветеринария: Тендинит. Найти и обезвредить. Часть 2. Методы и эффективность лечения / М.В. Жукова, М. Савицкая // Мустанг. 2008. - №6 (74).

6. Ниёзов Х. Б. «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларида оёқларнинг дистал қисми артропатияси», ветеринария фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертатсия, Самарқанд, 2017 йил, 68-72 бетлар.

7. Норбеков С. “Отлар орасида тендинитларнинг тарқалиши, даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш” Зооветеринария жунали, 2017 йил, №10, 23-24 бетлар.

8. Ортопедия ветеринарной медицины / Э. В. Веремей [и др.]. - СПб.: Лань, 2003.- 352 с.

9. Родин, И.А. К совершенствованию лечебных мероприятий при травматизме улошадей. / И.А. Родин [и др.] // Ветеринария Кубани, 2007. – Н 6. – С. 4-5.

10. Сапожкова, О.А. Патоморфологические изменения в сухожилиях у спортивных лошадей с острым асептическим тендовагинитом / О.А. Сапожкова, Б.С. Сапожков // Актуальные проблемы современной ветеринарии. – Краснодарский научно-исследовательский ветеринарный институт, 2011. - №. 1. -С. 144.